
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ФАРҒОНАДА КАТТА ТАНТАНА ҚИЛИНДИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Фарғона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида тантанали тадбир ташкил этилди.

Дастлаб ал-Фарғоний кўчасидан ҳажми 1100 кв.м. бўлган улкан байроқ аскарлар кўмагида кенг ёйилиб оркестр жўрлигида Ислон Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройигача бўлган масофага олиб борилди. Ушбу жараённи шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари, кекса-ю ёш завқ билан, ватанпарварлик ҳисси янада жўш урган ҳолда кузатдилар.

Вилоят театр ва концерт саройининг олд саҳнасида байрамнинг расмий қисми бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олган фарғоналик ижодкор ва тарихчилар, жамоатчилик вакиллари халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллик рамзи бўлган байроқ давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлганига йиғилганлар этиборини қаратдилар. Шунингдек, давлатимиз байроғидаги ранглар ифодаси, навқирон ярим ой ва 12 юлдуз тасвирлари, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури эса барчага байрамона кўтаринкилик бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-18 15:58:13